**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

# *5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича)* магистратура мутахассислигининг малака талаблари

**Тошкент**

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 654
«20» 07 2015 йил

## СЎЗ БОШИ

1. **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.
- Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази

**2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2018 йил «5» 04 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган.

**3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда таянч ОТМга тегишлидир.

# МУНДАРИЖА

| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| 1. | ***5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича)мутахассислигининг* умумий таснифи** .................................... | **4** |
| 1.1 | Қўлланиш соҳаси ..................................................................... | 4 |
| 1.2 | *5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича)*мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи...................................... | 4 |
| **2.** | ***5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича)* мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар** ........................................................................... | **6** |
| 2.1 | Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ........................................................................................ | 6 |
| 2.2. | *5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича)*мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари | 7 |
| 3. | ***5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича)*магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**........................................................ | **9** |
| 3.1. | Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар........................................................................................... | 10 |
| 3.2 | Илмий фаолиятга қўйиладиган талаблар.............................................. | 11 |
| 3.3. | *5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича)*магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми.................................. | 13 |

# 1. *5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича)* мутахассислигининг умумий таснифи

***5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича)*** мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи олий таълимнинг таълим дастури амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан мувоффақиятли ўтган шахсга «магистр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал**

**Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си**

| **Ўқув режа ва фан дастурининг номи** | **Малака (даража)** | **Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати** |
|---|---|---|
| Мутахассисликнинг ўқув режа ва фан дастури | Магистр | 2 йил |

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаблари (ОТ МТ) ***5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича)***мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси ***5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича)***мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда ушбу малака талаблари асосида тайёрланган ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3.** ОТ МТнинг асосий фойдаланувчилари:

–мазкур таълим соҳасининг магистратура мутахассисликлари бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

–таълим соҳаси магистратура мутахассисликларнинг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

–ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари);

–битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

–олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

–олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

–таълим соҳаси(таркиби)нинг магистратура мутахассисликлардан бирини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган бакалав рлар, ота-оналар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. *5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича)*мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларииинг таснифи**

**1.2.1. *5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича)*мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

***5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича)***мутахассислиги – Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида

мутахассисликка оид фанларни ўқитиш; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида, миллий ва умуминсоний фалсафий қаддриятларни тиклаш ва мустаҳкамлаш масалалари билан боғлиқ академик, илмий-тадқиқот муассасалари ва жамоат бирлашмаларида илмий-тадқиқот ишларини; маънавият ва маърифат марказлари; давлат ва маҳаллий бошқаруви органларида маънавий-маърифий тадбилар уюштириш; ҳар хил шаклдаги мулк, саноат ва бизнес ташкилотларида психологик масалалар юзасида фаолият олиб бориш; ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхисдан ўтказиш; фаолият турларига кўра психологик хизмат кўрсатишни ташкил этиш.

*Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.2. *5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича)мутахассислиги бўйича магистрлар* касбий фаолиятларининг объектлари:**

–олий таълим муассасалари талабалари;

– ўрта мактаб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари, ўқувчилари ва ходимлари;

–психологик маслаҳатга мухтож маҳалла фуқаролари;

–реабилитация ва психологик хизмат марказлари клиентлари;

–республика ташхис маркази тестлари;

–психологик тадқиқот методикалари;

–спорт жамоаси тренери ва спортчилари;

–экспериментал психология лабораторияси жиҳозлари;

–фавқулодда вазиятлар ходимлари;

–Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий хизматчилар;

–Ички ишлар вазирлиги ходимлари;

–хусусий психологик хизмат кўрсатиш усуллари;

–маҳаллалар ва фуқаролар.

*Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.3. Мутахассислик бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**

- *илмий-тадқиқот;*
- *ташкилий-бошқарув;*
- *маънавий-маърифий;*
- *лойиҳавий;*
- *олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида педагогик (ўрнатилган тартибда);*
- *турли хизматлар кўрсатиш* кабиларни ўз ичига олади.

*Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

Мутахассислик бўйича тайёрланган магистрлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. *5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича)*мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий мослашув имкониятлари:**

***5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича)***мутахассислиги битирувчилари кадрларни қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимида қўшимча касб таълимини олиши мумкин.

Шунингдек, магистрлар касбий мослашув имкониятларидан келиб чиққан ҳолда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятларини ташкил этиши мумкин.

**1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари:**

Магистратура битирувчилари магистр академик даражасини олгандан сўнг олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ ИТИларда докторант ва мустақил изланувчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини давом эттириши мумкин.

## 2. *5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича)мутахассислиги бўйича магистрларнинг* тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

**2.1. Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**:

– илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши;

– ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

– миллий маънавий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи-назарини оғзаки ва ёзма баён этиши, миллий гоянинг назарий асосларни англаган ҳолда “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” бош ғоясининг моҳиятини ҳамда унинг асосий ғоялар билан мутаносиблиги ва фарқини билиши;

– табиат ва жамиятда юз бераётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиши;

– шахснинг инсон, жамият, атроф-муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида қўллай олиши;

– янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиши;

–ўзининг индивидуал билимларига таянган ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиши;

–ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана билиши;

–фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма нутқни аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиши;

– ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиши ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

– илмий фаолияти натижаларини ҳис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулиятга эга бўлиши;

– касбий фаолиятда ўзлаштирилган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

– хорижий тиллардан бирини илмий мулоқот ва касбий малака алмашиш воситаси сифатида сўзлашув даражасида эгаллаган бўлиши;

– ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаши;

– ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

– ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиши;

– бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши;

– интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

– педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиши;

– таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашиши;

– илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаши;

– патент олиш учун меъёрий иш ҳужжатлар тайёрлай олиши;

–давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши лозим.

**Магистр:**

– мутахассисликлари бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

– мутахассисликлари доирасида танланган мутахассислик бўйича олий таълим муассасаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ ИТИларда доктарант ва мустақил изланувчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини давом эттиришга;

– кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

**2.2. *5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича)*мутахассислиги бўйича магис*трларнинг* касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

**Илмий-тадқиқот фаолияти:**

– мутахассисликка мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилиши;

– психологиянинг амалий масалаларини ечиш учун янги технологияларни қўллаши;

– ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича моделлар, алгоритмлар, методлар тадқиқот қилиши ва ишлаб чиқиши;

–намунавий психологик методикалар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериши;

– илмий ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиши;

– ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, реферат ва библиографияларни тузиши;

–психология фани соҳасига доир илмий-тадқиқотлар бўйича хорижий ва маҳаллий тажрибаларни уйғунлаштириш;

– илмий семинарлар илмий жараёнида иштирок этиши;

– илмий мавзуларга мос журналларга мақолалар тайёрлаши лозим.

**Ташкилий-бошқарув фаолияти:**

– e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;

– ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

– ишлаб чиқариш жараёнларини самарали амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

– психологик муаммоларни ҳал этишга ёрдам берувчи замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва уларнинг эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш.

**Маънавий-маърифий фаолиятида:**

– ташкилот, корхона, муассаса ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ташкилотларининг таклиф ва талаблари асосида соҳага тегишли маърифий тадбирларини ташкил этиш;

– маҳаллий матбуот, илмий-оммабоп телерадио эшиттириш, кўрсатувларда соҳага тегишли материаллар билан иштирок этиш ***қобилиятига эга бўлиши лозим.***

**Лойиҳавий фаолиятда:**

–жорий ва даврий кўрсаткичлар нисбати таҳлили ва зарур ресурсларни ҳисобга олган ҳолда уни оптималлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, лойиҳавий фаолиятнинг мониторинги учун маълумотлар базаси яратиш;

–тадқиқот, аналитик ва консалтинг лойиҳа фаолиятини амалга ошириш учун методик инструментарийлар, меъёрий ҳужжатлар, информацион маълумотлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

–психологик кўрсаткичлар, жараён ва муносабатларни диагностика қилиш, баҳолаш, такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этиш;

–психология йўналишлари бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш, тадқиқот натижаларини тарқатишда иштирок этиш;

–психология фани соҳасидаги хорижий лойиҳаларда иштирок этиш;

–турли мақсадли аудиториялар учун маркетинг тадқиқотларни илмий-методик, техник ва информацион жиҳатдан таъминлаш, маркетинг хизматлар учун тавсиялар ишлаб чиқишда иштирок этиш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

**Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда):**

– ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;

– электрон ўқитиш усулларини эгаллаш;

– олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш;

– замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

– ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;

– мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги турли усуллар, воситалар ва бошқа соҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;

– таълим соҳасида хорижий таълим тажрибаларини жорий этиши;

– узлуксиз таълим тизимининг ДТС, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиши ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

**Турли хизматлар кўрсатиш:**

– фуқаролар ичидан индивидуал психологик ёрдамга мухтож кишиларга пуллик хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва амалга ошириш;

– шахснинг индивидуал фаолияти, оилавий ва шахслараро муносабатлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш;

– болаларнинг шахсий камолоти билан боғлиқ муаммолар юзасидан психологик маслаҳатлар бериш;

– психологик ва социал-психологик тренинг курслари ишлаб чиқиш ва психологик ёрдамга мухтож инсонлар муаммоларини ечишда татбиқ этиш;

– бола, катта ёшдагилар ва  ақлий тараққиёт ҳолатини аниқлашга зарурат сезган шахсларга психодиагностик ва психологик маслаҳат ёрдамини кўрсатиш.

– психология соҳаси мутахассисликлари бўйича мавжуд ҳолатнинг таҳлилий шарҳини ишлаб чиқиш;

– психология соҳасига тегишли магистр тайёрлаш ихтисослигига мос бўлган илмий лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиш;

– турли психологик хизмат соҳаларида хорижий тажрибаларини жорий қилиш;

– ихтисосликка мос мавзу бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим***.

## 3. *5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича)*магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурлари бакалавриат таълим йўналишининг ўқув режаси ва фанлар дастурлари билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабалар томонидан қуйидаги мажбурий блоклар ўзлаштирилишини назарда тутиши зарур:

- мутахассислик фанлари;
- илмий фаолият.

Ўқув режа ва фанлар дастурлари мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режа ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Ўқув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишда ОТМ республика иқтисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган кадрлар эҳтиёжини ҳамда узвийлик ва узлуксизлик тамойилларини ҳисобга олиши керак.

ОТМлар ўқув режа ва фан дастурини фан, таълим, техника, маданият, санъат, иктисодиёт, технология ва ижтимоий соҳа ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгилаб туриши лозим.

Ўқув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишда ОТМ томонидан битирувчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил қилиш ва бошқариш, тизимий-фаолият тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришдаги имкониятлари аниқланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий муҳитини шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга масъул.

ОТМ ўқув жараёнини ижтимоий-тарбиявий ривожлантиришга, талабаларнинг ижтимоий ташкилотлар ишида, спорт ва ижодий тўгаракларда, магистрларнинг илмий жамиятларида иштирокига кўмаклашиши лозим.

Компетентли ёндашувни амалга ошириш, ўқув жараёни машғулотларини ташкил этишда фаол ва интерфаол (компьютер симуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиш ва ҳ.к.) шаклларни ўтказишни, талабаларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари иш билан биргаликда жаҳон педагогик амалиётида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг қўллашни назарда тутиши керак.

Фанларнинг ўқув дастурини шакллантиришда ОТМ талабаларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништиришга, талабалар учун танлов фан (модул, курс) лари мажбурий эканлигини тушунтириши керак.

Талабаларда билим, амалий малака ва кўникмаларни тўлиқ шакллантириш учун ОТМ ўқув режа ва фан дастури ўқув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни қамраб олиши керак.

Магистратура мутахассислиги ўқув режасига мувофиқ равишда магистрлик диссертациясининг ҳимояси билан тугалланиши шарт.

**3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

**Мутахассислик фанлари блоки:**

илмий–тадқиқот методологияси, илмий тадқиқотлар асослари, тадқиқот жараёнини тавсифлаш, хулосаларни таърифлаш ва олинган натижаларни баҳолаш, эмпирик ва назарий тадқиқот усулларини фарқлаш, кенгайтирилган тадқиқот режасини ишлаб чиқиш, фундаментал, амалий, инновацион лойиҳаларнинг бир-биридан фарқини билиши;

янги маълумотлар олиш ва янги муҳитда янги муаммоларни ҳал қилиш учун билимлар базасидан фойдалана олади;

психологиянинг методологик масалалари, фаннинг категориялари талқини, шахс хулқи, фаолияти ва муомаласи камолот негизи эканлиги, ички регуляция ва унинг психологик баёни, психологик принципларининг XXI асрда талқини, онгнинг психологик тавсифи ва унинг даражалари тўғрисида баҳслар, когнитив психология ва борлиқ муносабати, шахснинг индивидуал типологик хусусиятларига замонавий психологик ёндашувлари, миллий психология муаммолари, замонавий шахс психологияси назарияларини тушунтира олади ва уларнига доир амалий кўникмаларни қўллай олади;

психологиядаги миқдор ва сифат тадқиқот методларини моҳиятини, психологияда эмпирик тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш, психологияда ўлчов шкалалари, олинган маълумотларни миқдорий ва сифат қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, миқдор ва сифат тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш ва тақдим этишга доир назарий билим ва амалий кўникмаларни татбиқ эта олади;

когнитив психологиянинг тушунчалари, тарихи, асосий тадқиқот йўналишларини, когнитив фанининг вужудга келиш асосларини, когнитив нейрофан, когнитив психологиядаги асосий тадқиқот йўналишлари, онг илмий тузилма сифатида, идрок ва моҳиятга асосланган билим репрезентацияси, хотира: асосий жараёнлари, тафаккурни тадқиқ этишнинг асосий йўналишлари, сунъий интеллект, тил, тараққиёт психологияси, социал билиш ва шахсга когнитив ёндашув, когнитив тараққиёт, социал билиш психологиясида когнитив ёндашув, шахс психологиясида когнитив ёндашувга, когнитив психологиянинг амалий жиҳатлари ва когнитив психологиянинг ривожланиш истиқболларига доир билимларни тушунтира олади ва амалиётда қўллай олади.

Илмий фаолият блоки илмий тадқиқотлар методологияси ўзлаштирилишини, талабалар томонидан ихтисослашган илмий ва таълим муассасаларида психология соҳасида илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

*Мутахассислик фанлар бўйича семинар, амалий, лаборатория машғулотларига тайёргарлик кўришда мустақил таълим соатлари ҳисобидан амалга оширишни режалаштириш ва машғулот турига кўра топшириқларни ишлаб чиқиш лозим*

***Танлов фанлари:***

*Танлов фанлари ва мазмуни соҳа бўйича Республика ҳамда хориждаги етакчи мутахассис олимларнинг муаллифлик курслари ва муаммоли маърузалари асосида, шунингдек фан, иқтисодиёт, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талаблари асосида шакллантирилади ҳамда белгиланган аудитория соатларининг ўқув машғулот турлари бўйича тақсимоти ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

**Курс ишига қўйиладиган талаблар**

Курс иши мавзулари масъул кафедра қарори билан магистрлик диссертацияси мавзуси (ёки унинг боблари) доирасида 2-3 семестрда белгиланиб, олинган билимларни бойитишга хизмат қилиши керак.

**3.2. Илмий фаолиятга қўйиладиган талаблар:**

**Илмий фаолият:** илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини, магистрлик диссертациясини тайёрлашни, илмий семинар ва илмий амалиёт (стажировка)ни назарда тутиши лозим.

**Илмий-тадқиқот ишларига бўлган талаблар**

Илмий-тадқиқот иши ОТМнинг илмий-тадқиқот лабораторияларида, академик ва соҳа илмий-тадқиқот институтларида, корхона ва ташкилотларнинг тадқиқот бўлинмаларида ўтказилади.

Илмий-тадқиқот ишларни таълим муассасаларида, илмий марказларда, чет эл мамлакатларининг корхоналари ва ташкилотларида икки тарафлама ёки бошқа битимлар асосида ўтказишга рухсат этилади.

Илмий-тадқиқот ишининг ҳажми, ташкилий ва илмий-методик таъминланиши кадрлар буюртмачиларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрловчи кафедра томонидан ишланган дастурда белгиланади;

*Илмий-тадқиқот иши:*

– магистратура мутахассислиги бўйича объектлар ва жараёнларнинг намунавий моделлари ва уларни тадқиқ қилиш методикаларини ўрганиш;

– экспериментал тадқиқотларни бажаришда қўлланиладиган стендлар, замонавий аппаратуралар ва бошқа жиҳозларни ўрганиш ва баён қилиш;

– ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотларни ўтказиш;

– экспериментал тадқиқотлар натижаларига ишлов бериш, уларни таҳлил қилиш ва акс эттириш, хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш, тавсияларни ишлаб чиқиш;

– мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини шакллантириш;

– фан, техника ва технологиянинг энг янги ютуқларига асосланган ахборот базаларини қўллай билиш, улардан магистрлик диссертациясини бажаришда фойдаланишни назарда тутади.

**Илмий-педагогик ишга бўлган талаблар**

Илмий-педагогик иш ОТМ ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида ўтказилади. Шунингдек, мутахассислигига мос ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасида ҳам ўтказилиши мумкин. Илмий-педагогик иш икки тарафлама ва бошқа битимлар асосида хориж мамлакатлари олий таълим муассасаларида ҳам ўтказилиши мумкин.

*Илмий-педагогик иш:*

– замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбия ишларининг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириш;

– ўқув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш, укув ва кўникмаларини ҳосил қилиши лозим;

шунингдек:

– махсус фанлар бўйича машғулотларнинг ҳар хил турлари: маърузалар, лаборатория ишлари, амалий ва бошқа машғулотларни ўтказиш бўйича стажировка;

– маъруза матнлари ва машғулотларни ўтказиш режаларини тузиш;

– янги педагогик ва ахборот технологияларни ўрганиш ва қўллаш;

– талабалар билимини баҳолашда рейтинг-назорат тизимини қўллаш;

– талабалар мустақил ишини ташкилий ва ўқув-методик таъминлашни ўрганиш;

– услубий кўрсатмаларни тузиш;

– тарбиявий ишларни ўтказишни назарда тутади.

**Магистрлик диссертациясига бўлган талаблар**

Магистрлик диссертацияси мавзулари соҳанинг ривожланиш истиқболи ва фан, таълим, техника, технология, иқтисодиётдаги замонавий ютуқлар ҳамда кадрлар буюртмачиларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасасининг мутахассислар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

Магистрлик диссертацияси мавзусини танлаш ва илмий раҳбарни тайинлаш биринчи ўқув йилининг биринчи икки ойи давомида амалга оширилади. Ишнинг бажарилиши мос мутахассислик бўйича фан доктори илмий даражаси ёки мутахассислар тайёрловчи кафедра бўйича ушбу таълим муассасасида фаолият кўрсатувчи илмий даража ва илмий унвонга эга бўлган ўқитувчи илмий раҳбарлигида бажарилади. Илмий маслаҳатчилар сифатида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик бюролари ҳамда ишлаб чиқаришнинг юқори малакали мутахассислари таклиф қилиниши мумкин.

Магистрлик диссертациясининг мазмуни *тизимлаштирилган кўринишда* илмий-тадқиқот (ёки илмий-техникавий ечим) нинг дастлабки асосларини, унинг бажарилиб боришини ва олинган натижаларини қайд қилиши керак. Бунда илмий асослар (ёки илмий-техникавий ечимлар) ҳар тарафлама таҳлил қилиниши, мавжуд муқобил вариантларда кўриб чиқилиши ва улардан бирининг танланишига асосланиши лозим.

Магистрлик диссертацияси натижалари бўйича олинган маълумотни матн ёки кўргазмали материал кўринишида мустаҳкамланади, унда муаллиф томонидан мавзунинг назарий ёки амалий аҳамияти исботланади. Матн ва кўргазмали материал *ҳажми ва мазмунининг тавсифи* магистрлик диссертацияси мавзусининг йўналиши (илмий ёки илмий-техникавий) ва мутахассислар буюртмачилари талабларига боғлиқ ҳолда мутахассислар тайёрловчи кафедра томонидан белгиланади.

Белгиланган муддатда бажарилган магистрлик диссертацияси Давлат аттестацияси комиссиясига: илмий раҳбар *хулосаси*, соҳа бўйича илмий ходим ёки мутахассиснинг *ташқи тақризи* ва мос мутахассисликнинг магистр таълим дастури бўйича шахсий режа бажарилганлиги ҳақидаги *маълумотнома* билан бирга тақдим этилиши лозим.

Магистрлик диссертацияси Давлат аттестация комиссияси ва жамоа олдида очиқ ҳимоя қилинади.

**Илмий семинарга бўлган талаблар**

Илмий семинар магистратура талабаларида тадқиқот ишларини олиб бориш ва магистрлик диссертацияларини тайёрлаш кўникмаларини шакллантиришга, магистрантнинг назарий-методологик тайёргарлигини чуқурлаштириш ва йўналтиришга, илмий-тадқиқот фаолияти технологияларини амалий эгаллашларини таъминлашга йўналтирилган. Илмий семинарнинг асосий мақсади магистратура талабаларида илмий коммуникация кўникмасини шакллантириш, илмий-тадқиқот иши натижаларини унинг турли босқичларида муҳокамасини ташкил этишдан иборат. Илмий семинар ОТМ да ёки ЎзФА ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида 1, 2, 3 семестрлар мобайнида ўтказилади.

*Илмий* семинар:

– магистрлик диссертацияси мавзуи бўйича манбаларни (дарсликлар, ўқув қўлланмалар, илмий монографиялар, мақолалар, маърузалар, услубий адабиётлар ва ҳ.к.) ўрганиш;

– маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

– амалга оширилган тадқиқотлар натижалари бўйича маъруза тайёрлаш ва илмий семинарда маъруза қилишни назарда тутади.

**Илмий амалиёт (Стажировка).**

Илмий амалиёт илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини бажариш жараёнида амалга оширилади. Илмий амалиёт (Стажировка) магистратура

мутахассислиги бўйича мақсадли касбий таълим ўқув режа ва дастурларини ўзлаштириш, магистратура талабаларида илмий-тадқиқот компетенцияларини шакллантириш, таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини ривожлантириш йўли орқали магистрлар энг янги илмий-техник ривожланишдаги ютуқлар ҳамда иқтисод, фан, техника, маданият ва соғлиқни сақлаш тармоқларидаги замонавий техника ва технологиялар базасида илмий тадқиқот ишлари, тақозо этганда индивидуал илмий изланиш ва тажриба-синовларни ўтказиш мақсадида ташкил этилади.

Илмий амалиёт (Стажировка):

– илмий тадқиқот олиб бориш, назарий ва амалий билимларни чуқурлаштириши;

– психологиянинг бошқа соҳа ва тармоқларидаги замонавий техника ва технологияларда қўлланилиши билан таништириши;

– амалий касбий ва илмий-тадқиқот компетенцияларни шакллантириши;

– касбга самарали мослашувни таъминлаши лозим.

Бунда илмий амалиёт (стажировка)га йўлланган магистратура талабаси ўқув жараёни жадвалини индивидуал график асосида ҳам бажариши кўзда тутилади. Ушбу ҳолатда стажировкани ташкил этиш тартиб-қоидалари амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат (Низом) асосида олиб борилади.

***3.3. 5A210201-Психология (фаолият турлари бўйича) магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми***

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва фанлар дастури мазмуни олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошланғич босқичи сифатида мутахассислик бўйича чуқур фундаментал ва амалий билимлар беришни кўзда тутган ҳолда шакллантирилади.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талабалар контингенти хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гуруҳлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 40 фоизи (умумий юклама ҳажмига нисбатан) мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режалар ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Магистратура мутахассисликлари унинг ўқув режаларига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Ўқишнинг норматив муддати 2 йил бўлганда ўқув жараёни 100 ҳафтагачани ташкил этиши зарур.

| | |
|---|---|
| Назарий таълим ва илмий фаолият | 51 ҳафта |
| Аттестациялар ва давлат аттестацияси | 10 ҳафта |
| Илмий амалиёт (стажировка) | 17 ҳафта |
| Таътиллар | 18 ҳафта |
| **Жами** | **96 ҳафта** |

Таълим дастурини ўзлаштиришда бир қатор масалалар ёки интеграллаштирилган турлар муаммолари бўйича талабаларнинг мустақил таълими кўзда тутилади.

Ўқиш даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши зарур:
назарий таълим - 15-20 %;
аттестация - 8-10 %;
таътиллар - 15-20 %;
илмий фаолият - 50-60 %.

Илмий фаолият магистратура талабасининг якка тартибдаги календарь иш режаси асосида амалга оширилади ва қуйидагиларга бўлинади:
илмий тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш – 40-50 %;
илмий семинар - 10-15 %.
илмий-педагогик иш - 10-15 %.
Илмий амалиёт (стажировка) - 30-40 %.

Назарий таълим ҳажми магистратура мутахассислигига қараб қуйидаги тарзда фанлар блоклари бўйича тақсимланади:
мутахассислик фанлари - 49,.5 %;
танлов фанлари - 50,5 %.

## Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7 Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:**
касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, психика, кузатиш, тест, онг, шахс, психоанализ, гештальт психология, когнитив психология, ички регуляция, мотив, мотивация, қадриятлар, идрок хусусиятлари, идрок феноменлари, идрок даражалари, диққат, диққат хусусиятлари, доминанта, ихтиёрсиз диққат, ихтиёрий диққат, ретикуляр формация, нейрон моделлари, хотира, хотира матрицалари, хотира жараёнлари, эсга олиб қолиш, эсда сақлаш, унутиш, унутиш эгри чизиғи, тестология, феноменология, когниция, стресс эмоционал психологик ҳолат, спортчи ҳаёт тарзи, спорт психодиагностикаси, психопрофлактика, спортчи фаолияти мотивлари ва мотивацияси, спортда расмий ва норасмий лидерлар, хулқ-атворни коррекция қилиш, устоз-шогирд муносабати, шахснинг ўзини ўзи намоён этиш механизмлари, умумий-психологик тренинглар, спортда муомала, спорт командалар, тестология, тест турлари, дидактик тестлар, психологик тестлаштириш.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

**Ректор__________А.Марахимов**

**2019 йил «_25_» ____06______**
**М.Ў.**

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази**

**Директор ____________ Л.Гайнутдинова**

**2019 йил «_25_» ___06____**
**М.Ў.**

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази**

**Директор____________ З.Ҳакимов**

**2019 йил «_02_» ___07____**
**М.Ў.**

**Ўзбекистон халқаро ислом академияси**

**Ректор ____________Ш.Ёвқочев**

**2019 йил «_02_» ____07________**
**М.Ў.**

**Тошкент давлат педагогика университети**
**Ректор ______________ Ш.Шарипов**

**2019 йил «_02_» _____07______**

**М.Ў.**

**Ўзбекистон Миллий университети 5210203– Психология (амалий психология), 5210204– Психология (оила психологияси), 5210205– Психология (ёшлар психологияси) таълим йўналишлари, 5А210201 – Психология (фаолият турлари бўйича), 5А210201 – Психология (ижтимоий психология), 5А210201 – Психология (оилавий муносабатлар психологияси) магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаби ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳ таркиби**

| Т/р | Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш. | Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи | Имзо |
|---|---|---|---|
| **Раис:** | | | |
| 1. | Ҳ.П.Тўхтаев | ЎзМУ Ижтимоий фанлар факультети декани | |
| **Ишчи гуруҳ аъзолари:** | | | |
| 2. | Д.Мухамедова | “Психология” кафедраси мудири, психология фанлари доктори | |
| 3. | А.Расулов | “Психология” кафедраси доценти, психология фанлари номзоди | |
| 4. | Ў.Шамсиев | “Психология” кафедраси доценти, психология фанлари номзоди | |
| 5. | Ф.Чориев | “Психология” кафедраси катта ўқитувчиси | |

**Ўқув ишлари бўйича биринчи проректор ____________ Д.Джумабаев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI • MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассиликларининг МТ ва ўқув режаларини ишлаб чиқарувчилар ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида келишув**

# ДАЛОЛАТНОМАСИ

**Тошкент шаҳри**
**"02" 07 2019**

Биз қуйида имзо қўювчилар – Ўзбекистон Миллий университети ректори А.Р.Марахимов, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори проф. Ш.Ёвқочев, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раиси Қ.Қуронбоев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази директори Д.Ташмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази директори Л.Гайнутдинова, Тошкент давлат педагогика университети ректори Ш.Шариповлар ЎзМУ да ишлаб чиқилган "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатор"га мувофиқ қуйидаги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаби мазмуни ва ўқув режаси билан танишиб чиқиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

Бакалавриант таълим йўналишлари

1. 5210203- Психология (амалий психология);
2. 5210204- Психология (оила психологияси);
3. 5210205- Психология (ёшлар психологияси)

Магистратура мутахассисликлари

1. 5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича);
2. 5А210201- Психология (ижтимоий психология);
3. 5А210201-Психология (шахслараро муносабат психологияси).

Юқоридаги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича МТ ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар инобатга олинган.

Таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талабларининг ишлаб чиқилишида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "2019 — 2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юкори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4358- сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июнда қабул килган "Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 472-сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури”да белгиланган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқилган МТ ва ўқув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлашга тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

**Ўзбекистон Миллий университети ректори** **А.Марахимов**

**Тошкент халқаро ислом академияси ректори** **Ш.Ёвқочев**

**Тошкент давлат педагогика университети ректори** **Ш.Шарипов**

**Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раиси** **Қ.Қуронбоев**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази директори** **Д.Ташмухамедова**

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази директори** **Л.Гайнутдинова**

**Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган 5210203-Психология (амалий психология) таълим йўналиши ва 5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича) магистратура мутахассислигининг малака талаблари ва ўқув режасига**

## ТАҚРИЗ

Психолог мутахассисларга бўлган эҳтиёж уларнинг тайёрлаш жараёни зарурий чора-тадбирлар, таълим жараёнини тўғри ташкил этиш, зарур меъёрий ҳужжатларнинг даврга мос ҳамда мутахассислар тайёрлаш жараёнининг амалий аҳамиятига нисбатан ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 майдаги "Ўзбекистон Миллий университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2527 –сон Қарор ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июнда қабул қилган "Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 472-сон Қарорида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Миллий университетида тайёрланган, янги таълим йўналиши-5210203-Психология (амалий психология)бакалавриат таълим йўналиши ва янги мутахассислик - 5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича) магистратура мутахассислиги малака талабларининг мазкур лойиҳаси амалда қўлланилган шаклларидан фарқ қилиши билан ажралиб турибди. Мазкур бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш малака талабларининг тузилиши ва унинг мазмунини белгиловчи бандларнинг ҳар бирида Ижтимоий ишчи мутахассислар тайёрлашнинг зарурий мазмуни ва унинг амалий жиҳатларида ўз аксини топганлигини гувоҳи бўлиш мумкин.

5210203-Психология (амалий психология) бакалавриат таълим йўналиши ва 5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича) магистратура мутахассислигининг малака талабларини тузилиши ва мазмуни малака талабларини ишлаб чиқиш асослари, қўлланиш соҳаси, атамалар, таърифлар, қисқартмалар, мутахассисликнинг тавсифи, бакалаврлар ва магистрларнинг тайёгарлик даражасига қўйиладиган талаблар, малака талабларининг амал қилиш муддати бандлари асосида ёритиб ўтилган.

5210203-Психология (амалий психология) бакалавриат таълим йўналиши ва 5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича) магистратура мутахассислиги малака талабларининг ҳар бир банди бакалаврлар ва магистрларни тайёрлаш жараёни ва унинг келажакда касбий фаолиятни олиб боришини таъминлашга йўналтирилган фаолият соҳалари, фаолият объектлари, тайёрлаш жараёнининг вақт меъёрлари, таълим жараёни билан мутахассис сифатида фаолият олиб бориш учун зарур билим, кўникма ва малака талабларининг аниқ мезонларини келтирилиши билан тавсифланади.

Мазкур йўналиш ва мутахассисликнинг ўқув режаларидаги ўқув фанлари (курслар) ва илмий фаолият турлари ҳамда уларнинг вақт меъёрлари аниқ ва изчилликда жойлаштирилган. Ўқув режаларидаги ўқув фанлари ва

илмий фаолият турлари малака талабларининг мазмунида акс этган ҳолати билан мос шакллантирилган.

Шунингдек, мазкур малака талаблари лойиҳаларида бакалаврларнинг малака амалиётига бўлган талабларни аниқ белгиланганлиги кадрлар буюртмачиларининг мутахассис фаолиятини баҳолаш имконини беради.

5210203-Психология (амалий психология)бакалавриат таълим йўналиши ва 5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича) магистратура мутахассислигининг малака талабларини ва ўқув режаларини бакалаврлар ҳамда магистрлар тайёрлаш жараёнига татбиқ этса бўлади.

5210203-Психология (амалий психология) бакалавриат таълим йўналиши ва 5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича) магистратура мутахассислигининг малака талаблари ва ўқув режалари белгиланган тартибда тасдиқлашга тавсия этиш мумкин.

**Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети "Спорт психологияси ва педагогика" кафедраси мудири, психол.ф.н., доцент** **Д.Арзиқулов**

**Ўзбекистон Миллий университети Психология кафедраси томонидан тайёрланган 5А210201-Психология (фаолият турлар бўйича) магистратура мутахассислигининг малака талаблари ва ўқув режасига**

**Тақриз**

Барча соҳаларда психология фани бўйича мутахассисларга бўлган талабнинг ўсиши, уларнинг шахсий ва касбий фаолиятида масъулият юклайди. Бу эса мутахассисларнинг касбий тайёргарлик жараёнининг меъёрий ҳужжатлари ва таълим жараёнига юқори талаблар қўяди. Ўзбекистон Миллий университетида тайёрланган янги мутахассислик, яъни 5А210201-Психология (фаолият турлар бўйича) магистратура мутахассислигининг малака талаблари ва ўқув режаси билан танишиш жараёнида МТларнинг тузилиши ва унинг мазмунини акс эттирувчи пунктларда психолог мутахассислар тайёрлашнинг зарурий мазмуни ва унинг амалий жиҳатларида келтириб ўтилган. МТнинг касбий фаолият соҳалари ва объектларида кенг қамров ва бир қатор йўналишда психолог сифатида ишлашни кўзда тутилганлиги аҳамиятлидир. Бу эса 5А210201-Психология (фаолият турлар бўйича) магистратура мутахассислигининг малака талабларини тузилиши ва мазмуни малака талабларини ишлаб чиқиш асослари, қўлланиш соҳаси, атамалар, таърифлар, қисқартмалар, касбийнинг тавсифи, бакалаврнинг тайёгарлик даражасига қўйиладиган талаблар, илмий-педагогик иш ва магистрлик диссертациясини бажаришга қўйиладиган талабалар, малака талабларининг амал қилиш муддати келтириб ўтилган.

5А210201-Психология (фаолият турлар бўйича) магистратура мутахассислигининг МТнинг ҳар бир банди касбийни тайёрлаш жараёни ва унинг келажакда мутахассис сифатида ишлашини таъминлашга йўналтирилган фаолият соҳалари, фаолият объектлари, тайёрлаш жараёнинг вақт меъёрлари, таълим жараёнида касбий фаолият олиб бориш учун зарур билим, кўникма ва малака талабларининг аниқ мезонларини келтирилиши билан характерланади. МТ да келтирилибган магистрнинг илмий-педагогик ва илмий тадқиқот ишига бўлган талаблар мазмуни касбий тайёрлаш жараёнининг сифат жиҳатдан ўсишини таъминлашга хизмат қилувчи жиҳатлардан бири деб баҳолаш мумкин. Мазкур МТ иш берувчиларнинг талабларига мувофиқ тайёрланган деб ҳисоблаб, уни 5А210201-Психология (фаолият турлар бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш жараёнига қўллаш мумкин.

5А210201-Психология (фаолият турлар бўйича) магистратура мутахассислигининг малака талаблари ва ўқув режаси белгиланган тартибда тасдиқлашга тақдим этиш мумкин.

**Ўзбекистон Миллий университети**
**“Психология” кафедраси доценти,**
**психология.ф.н.** **Ў.Б.Шамсиев**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети магистратура мутахассислиги учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг магистратура мутахассислиги битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака (касбий компетентлик) талаблари**

| Магистратура мутахассислиги | | Магистратура мутахассисликлари учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг магистратура мутахасислиги битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака (касбий компетентлик) талаблари |
|---|---|---|
| шифри | номи | |
| 5A210201 | *Психология (фаолият турлари бўйича)* | ***5A210201-Психология (фаолият турлари бўйича)*** **мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятининг соҳалари:**<br>***5A210201-Психология (фаолият турлари бўйича)*** мутахассислиги – олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида, миллий ва умуминсоний фалсафий қаддриятларни тиклаш ва мустаҳкамлаш масалалари билан боғлиқ академик, илмий-тадқиқот муассасалари ва жамоат бирлашмаларида илмий-тадқиқот ишларини; маънавият ва маърифат марказлари; давлат ва маҳаллий бошқарув органларида маънавий-маърифий тадбилар уюштириш; ҳар хил шаклдаги мулк, саноат ва бизнес ташкилотларида психологик масалалар юзасида фаолият олиб бориш; ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхисдан ўтказиш; фаолият турларига кўра психологик хизмат кўрсатишни ташкил этиш.<br>*Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*<br>***5A210201-Психология (фаолият турлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар*** **касбий фаолиятларининг объектлари:** олий таълим муассасалари талабалари; умумтаълим мактаби, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари, ўқувчилари ва ходимлари; психологик маслаҳатга мухтож маҳалла фуқаролари; реабилитация ва психологик хизмат марказлари клиентлари; республика ташхис маркази тестлари;<br>психологик тадқиқот методикалари; спорт жамоаси тренери ва спортчилари; экспериментал психология лабораторияси жиҳозлари; фавқулодда вазиятлар ходимлари; Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий хизматчилар; Ички ишлар вазирлиги ходимлари; хусусий психологик хизмат кўрсатиш усуллари; маҳаллалар ва фуқаролар мажмуини қамраб олади.<br>*Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*<br>**Мутахассислик бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**<br>• *илмий-тадқиқот;*<br>• *ташкилий-бошқарув;*<br>• *маънавий-маърифий;*<br>• *лойиҳавий;*<br>• *олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида педагогик (ўрнатилган тартибда);* |

| | | |
|---|---|---|
| | | • *Турли хизматлар кўрсатиш* кабиларни ўз ичига олади.<br>*Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*<br>Мутахассислик бўйича тайёрланган магистрлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.<br>**Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**:<br>– илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши;<br>– ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;<br>– миллий маънавий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи-назарини оғзаки ва ёзма баён этиши, миллий ғоянинг назарий асосларни англаган ҳолда “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” бош ғоясининг моҳиятини ҳамда унинг асосий ғоялар билан мутаносиблиги ва фарқини билиши;<br>– табиат ва жамиятда юз бераётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиши;<br>– шахснинг инсон, жамият, атроф-муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида қўллай олиши;<br>– янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиши;<br>–ўзининг индивидуал билимларига таянган ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиши;<br>–ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана билиши;<br>–фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма нутқни аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиши;<br>–ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиши ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;<br>–илмий фаолият натижаларини ҳис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулиятга эга бўлиши;<br>–касбий фаолиятда ўзлаштирилган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;<br>– хорижий тиллардан бирини илмий мулоқот ва касбий малака алмашиш воситаси сифатида сўзлашув даражасида эгаллаган бўлиши;<br>– ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаши;<br>– ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;<br>– ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиши;<br>– бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи ҳавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот ҳавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши; |

| | | |
|---|---|---|
| | | – интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;<br>– педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиши;<br>– таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашиши;<br>– илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаши;<br>– патент олиш учун меъёрий иш ҳужжатлар тайёрлай олиши;<br>– давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши лозим.<br>**Магистр:**<br>– мутахассисликлари бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;<br>– мутахассисликлари доирасида танланган мутахассислик бўйича олий таълим муассасаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ ИТИларда катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини давом эттиришга;<br>– кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.<br>***5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича)*** **мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**<br>**Илмий-тадқиқот фаолияти:**<br>– мутахассисликка мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилиши;<br>– психологиянинг амалий масалаларини ечиш учун янги технологияларни қўллаши;<br>– ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича моделлар, алгоритмлар, методлар тадқиқот қилиши ва ишлаб чиқиши;<br>– намунавий психологик методикалар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериши;<br>– илмий ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиши;<br>– ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, реферат ва библиографияларни тузиши;<br>– психология фани соҳасига доир илмий-тадқиқотлар бўйича хорижий ва маҳаллий тажрибаларни уйғунлаштириш;<br>– илмий семинарлар илмий жараёнида иштирок этиши;<br>– илмий мавзуларга мос журналларга мақолалар тайёрлаши лозим.<br>**Ташкилий-бошқарув фаолияти:**<br>– e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;<br>– ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;<br>– ишлаб чиқариш жараёнларини самарали амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш; |

– психологик муаммоларни ҳал этишга ёрдам берувчи замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва уларнинг эксплуатацияси билан боглиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш.

**Маънавий-маърифий фаолиятида:**

–ташкилот, корхона, муассаса ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ташкилотларининг таклиф ва талаблари асосида соҳага тегишли маърифий тадбирларини ташкил этиш;

–маҳаллий матбуот, илмий-оммабоп телерадио эшиттириш, кўрсатувларда соҳага тегишли материаллар билан иштирок этиш ***қобилиятига эга бўлиши лозим.***

**Лойиҳавий фаолиятда:**

–жорий ва даврий кўрсаткичлар нисбати таҳлили ва зарур ресурсларни ҳисобга олган ҳолда уни оптималлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, лойиҳавий фаолиятнинг мониторинги учун маълумотлар базаси яратиш;

–тадқиқот, аналитик ва консалтинг лойиҳа фаолиятини амалга ошириш учун методик инструментарийлар, меъёрий ҳужжатлар, информацион маълумотлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

–психологик кўрсаткичлар, жараён ва муносабатларни диагностика қилиш, баҳолаш, такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этиш;

–психология йўналишлари бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш, тадқиқот натижаларини тарқатишда иштирок этиш;

–психология фани соҳасидаги хорижий лойиҳаларда иштирок этиш;

–турли мақсадли аудиториялар учун маркетинг тадқиқотларни илмий-методик, техник ва информацион жиҳатдан таъминлаш, маркетинг хизматлар учун тавсиялар ишлаб чиқишда иштирок этиш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

**Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда):**

–ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;

–электрон ўқитиш усулларини эгаллаш;

–олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш;

–замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;

–ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

–ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;

–мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги турли усуллар, воситалар ва бошқа соҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;

–таълим соҳасида хорижий таълим тажрибаларини жорий этиши;

–узлуксиз таълим тизимининг ДТС, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок

| | | |
|---|---|---|
| | | *этиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.*<br>**Турли хизматлар кўрсатиш:**<br>– фуқаролар ичидан индивидуал психологик ёрдамга мухтож кишиларга пуллик хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва амалга ошириш;<br>– шахснинг индивидуал фаолияти, оилавий ва шахслараро муносабатлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш;<br>– болаларнинг шахсий камолоти билан боғлиқ муаммолар юзасидан психологик маслаҳатлар бериш;<br>– психологик ва социал-психологик тренинг курслари ишлаб чиқиш ва психологик ёрдамга мухтож инсонлар муаммоларини ечишда татбиқ этиш;<br>– бола, катта ёшдагилар ва ақлий тараққиёт ҳолатини аниқлашга зарурат сезган шахсларга психодиагностик ва психологик маслаҳат ёрдамини кўрсатиш.<br>– психология соҳаси мутахассисликлари бўйича мавжуд ҳолатнинг таҳлилий шарҳини ишлаб чиқиш;<br>– психология соҳасига тегишли магистр тайёрлаш ихтисослигига мос бўлган илмий лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиш;<br>– турли психологик хизмат соҳаларида хорижий тажрибаларини жорий қилиш;<br>– ихтисосликка мос мавзу бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим*. |

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги**
**Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва**
**психологик-педагогик Республика ташхис маркази директори** **Л.Гайнутдинова**

***5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича)*** **магистратура мутхассислигининг малака талабларини ишлаб чиқилишига**

## ТУШУНТИРИШ ХАТИ

*5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича)* магистратура мутхассислигини малака талабини ишлаб чиқишда қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланилди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019 — 2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358- сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июнда қабул қилган “Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 472-сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури”.

Малака талабини ишлаб чиқишда магистратура мутхассислиги битирувчиларига кадрлар истеъмолчилар томонидан кўрсатилган малака талаблари ҳисобга олинган. 5А210201- Психология (фаолият турлари бўйича) мутахассислигининг янги ўқув режаси амалдаги ўқув режадан фарқ қилади. Ушбу ўқув режани ишлаб чиқишда жахондаги етакчи таълим муасасасалари, яъни Германиядаги Мюнхен университети, Манхайм университети, Гамбург университети ҳамда Жанубий Кореянинг Сеул Миллий университет ва Москва давлат университетларининг ўқув режалари таҳлилий ўрганилди ва хорижий тажрибадаги ҳолатга кўра мутахассислик фанлари блокидаги. Ўкув режа амалдаги ўқув режалардан фаркл қилган ҳолда “Мутахассислик фанлари” блокнинг ҳажми 49,5 %, “Танлов фанлари” блокнинг ҳажми 50,5 % ташкил қилади. Илмий фаолият блоки мазмуни амалдаги ўқув режа сингари сақлаб қолинди (Илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш, илмий семинар, илмий-педагогик иш, илмий амалиёт (стажировка)). Шу билан бирга магистратурада машғулотларининг хафталик юкламаси 30 соатдан иборат бўлди. Таълим олувчилар ва битирувчиларни тайёрлаш, таълим фаолияти сифатини баҳолаш мезонлари ва тартибларининг белгиланган меъёрий-қоидаларга мослигига эришилди. Ўкув режаси етарлича ихчпмлаштирилди ва асосий эътибор таълим олувчиларнинг илмий фаолиятига йўналтирилди.

Малака талабининг кулайлиги – унинг бажарилишини назорат килиш, меъёр ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инобатга

олинган бўлиб, таълим йўналишининг малака талабини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди.

***5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича)*** магистратура мутхассислигига тажрибада текширувдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалий фаолиятларининг илғор меъёрлари киритилди;

Янги малака талабини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "2019 — 2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4358- сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июнда қабул қилган "Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 472-сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури"даги вазифалар ҳисобга олинган, мамлакат ижтимоий-иктисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жахон тенденцияларидан келиб чиқиб, иктисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат талим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштирилди ҳамда уларни узвийлиги таъминланди.

**Ўзбекистон Миллий университети**
**Ўқув ишлари бўйича биринчи проректори** **Д.Джумабаев**

**Психология кафедраси мудири** **Д.Мухамедова**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**
**Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналиши бўйича**
**Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг "Ижтимоий соҳа ва гуманитар фанлар" ўқув-услубий бирлашмасининг _____-сонли мажлис баёнидан**

**КЎЧИРМА**

"_04_" ___07_____ **201_9_ йил** **Тошкент шаҳри**

**Қатнашдилар: Бирлашма раиси**– Г.Ш.Рихсиева – ТДШИ ректори; А.Марахимов - ЎзМУ ректори, А.Умаров – Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази бўлим бошлиғи, Ғ.Эшонкулов - ЎзМУ ЎУБ бошлиғи, Д.Толипов - ЎзМУ ЎУБ бошлиғи муовини, ўқув ишлари бўйича декан муовинлари-10 киши, кафедра мудирлари-17 киши, сифат комиссияси раислари-10 киши, Турдош ОТМ вакиллари- ЎзХИА, ЎзДЖТСУ, ТерДУ, ҚаршиДУ, СамДУ, ФарДУ, НамДУ, ГулДУ, АндДУ, ҚҚДУ-жами 24 нафар вакил ҳамда 34 нафар ЎМБ вакиллари.

**К У Н   Т А Р Т И Б И :**
**КУН ТАРТИБИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "2019 — 2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4358- сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июнда қабул қилган "Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 472-сон Қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети таянч ОТМ этиб белгиланган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун ташкил этилган ишчи гурухлари томонидан ишлаб чиқилган такомиллаштирилган малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама қилиш ҳамда уларни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

**Эшитилди: Ўқув-услубий бирлашма раиси Г.Ш.Рихсиева:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури"да **ва** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июнда қабул қилган "Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 472-сон Қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳ аъзолари томонидан, "Олий таълим йўналишлари ва мутахасисликлари Классификатори"га мувофиқ 210000-Социология ва психология таълим соҳасининг 3 та бакалавриат таълим йўналиши ва 3 та магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари ишлаб чиқилаётганлиги ҳақида ахборот берди, уларни муҳокама қилиш ҳамда ушбу янгидан яратилаётган малака талаблари ҳақида йиғилиш катнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

**Сўзга чиқдилар:** ЎзМУ Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи муовини Д.Толипов, ЎзМУ Психология кафедраси мудири Д.Мухамедова, ТДПУ кафедраси мудири Н.Халилова , ЎзДЖТИ кафедраси мудири Д.Арзиқуловлар сўзга чиқиб, ишлаб чиқилган

янги ишлаб чиқилган малака талаблари ҳамда ўқув режалари замонавий талаблар асосида, яъни хорижий таълим муассасалари тажрибалари ва кадрлар истеъмолчиларининг талабларига таяниб тайёрланган, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассислигининг малака талаблари ва ўқув режалари лойиҳаларини ишлаб чиқилишида олий таълим тизимини модернизациялашнинг бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар эътиборга олинган

**Д.Толипов -** университетимиз профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган янги малака талаблари ҳамда ўқув режалари қўйилган талабларни ўзида тўлиғлигича акс эттирган ва меъёр талабларига тўлиқ жавоб беради. Улар Олий таълим мутахассисликлари классификаторига мос равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги 3-сонли қарорига мувофиқ 5210203 - Психология (амалий психология), 5210204 - Психология (оила психологияси), 5210205 - Психология (ёшлар психологияси) бакалавриат таълим йўналишлари ва 5А5210201 – Психология (фаолият турлари бўйича), 5А5210201 – Психология (ижтимоий психология), 5А5210201 – Психология (оилавий муносабатлар психологияси) магистратура мутахассисликлариининг малака талаблари ва ўқув режалари турдош ОТМ ва истеъмолчи ташкилотлар вакиллари, етук мутахассисларни жалб этган ҳолда ишлаб чиқилди. Ушбу бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислигининг малака талаблари ва ўқув режалари ижтимоий соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни устувор йўналишларидан келиб чиқиб, ижтимоий таълим йўналишлари бўйича чуқур билим олиш ва малака кўникмаларини шакллантиришга мўлжалланган.

**Бирлашма раиси Ғ.Ш.Рихсиева:** – Ўзбекистон Миллий университети ва турдош ОТМлари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган барча такомиллаштирилган малака талаблари олий таълим талаблари асосида тузилган, уларда республикамизда ижтимоий иш ва ижтимоий хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларини ривожлантиришда рўй бераётган ижтимоий ислоҳотлар тўлиғлигича ўз аксини топган деб ўйлайман.

Шунинг учун муҳокамага қўйилган барча малака талаблари ҳамда ўқув режаларини маъқуллаш ва тасдиқлаш учун тавсия этиш керак деб ҳисоблайман.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қуйидаги такомиллаштирилган малака талаблари ҳамда ўқув режаларини Психология тармоқлари бўйича ўқув методик бирлашмасида кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун тавсия этишларингизни сўрайман:

| 1. | **Таълим йўналиши:** | |
|---|---|---|
| 1.1. | Психология (амалий психология) | 5210203 |
| 1.2 | Психология (оила психологияси) | 5210204 |
| 1.3 | Психология (ёшлар психологияси) | 5210205 |
| 2. | **Мутахассисликлар:** | |
| 2.1 | Психология (фаолият турлари бўйича) | 5А210201 |
| 2.2 | Психология (ижтимоий психология) | |
| 2.3 | Психология ( оилавий муносабатлар психология) | |

## ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Турдош ОТМ вакиллари ҳамда университет профессор-ўқитувчиларини жалб этган ҳолда Ўзбекистон Миллий университетида ташкил этилган Ижодий гуруҳлар томонидан илк бора ишлаб чиқилган 5210203 - Психология (амалий психология), 5210204 - Психология (оила психологияси), 5210205 - Психология (ёшлар психологияси) бакалавриат таълим йўналишлари ва 5А5210201 – Психология (фаолият турлари бўйича), 5А5210201 – Психология (ижтимоий психология), 5А5210201 – Психология (оилавий муносабатлар психологияси) малака талаблари ҳамда ўқув режалари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26

апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури”да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июнда қабул қилган “Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 472-сон Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва Вазирлик томонидан тасдиқланган тамойиллар асосида ишлаб чиқилганлиги инобатга олинсин.

2. Ишлаб чиқилган малака талаблари ҳамда ўқув режалари лойиҳасини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун турдош ОТМ ва манфаатдор вазирликлар (идоралар) ва асосий иш берувчи корхоналар экспертизадан ўтказилган малака талабларининг меъёрий хужжатлари (“Келишув баённомалари”, “Келишув далолатномалари” ҳамда мутахассислар “Тақризлари” билан расмийлаштирилган ва малака талабларига илова этилган) қабул қилинсин.

3. Экспертиза натижасида мутахассислар томонидан аниқланган камчилик ва таклифлар малака талаблари ва ўқув режалариниининг охирги лойиҳаларини ишлаб чиқишда инобатга олинсин.

4. Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасига тақдим этилсин.

**Ўқув-услубий бирлашма раиси** **Г.Рихсиева**

**Котиба:** **С.Умарова**

*5A210201 – Психология (фаолият турлари)* **магистратура мутахассислигининг ўқув жараёни жадвали ва ўқув режасининг 2019 йилда тасдиқланган ўқув режаси билан қиёсий-солиштирма жадвали**

# I. ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЖАДВАЛИ

## 2018 йил ўқув режаси бўйича

**I. ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЖАДВАЛИ**

| Курс | Ҳафталар | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | Жами | Ўқув жараёни (ҳафталарда) | | | Таътиллар | Ҳаммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Сентябр | | | | | Октябр | | | | Ноябр | | | | | Декабр | | | | Январь | | | | | Февраль | | | | Март | | | | | Апрел | | | | Май | | | | Июн | | | | Июл | | | | Август | | | | | Назарий таълим ва илмий фаолият | Илмий амалиёт (стажировка) | Аттестациялар | | |
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | 32 | 33 | 34 | 35 | 36 | 37 | 38 | 39 | 40 | 41 | 42 | 43 | 44 | 45 | 46 | 47 | 48 | 49 | 50 | 51 | 52 | | | | | | |
| I | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | | А | А | | | | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 40 | 36 | | 4 | 12 | 52 |
| II | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | | А | А | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | Д | Т | Т | Т | Т | | | | | 42 | 18 | 21 | 3 | 6 | 48 |
| Жами | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 82 | 54 | 21 | 7 | 18 | 100 |

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Назарий таълим ва илмий фаолият | Д | Давлат аттестацияси | И | Илмий амалиёт (стажировка) | А | Аттестация | Т | Таътиллар |

## 2019 йил ўқув режаси бўйича

**I. ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЖАДВАЛИ**

| Курс | Ҳафталар | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | Жами | Ўқув жараёни (ҳафталарда) | | | Таътиллар | Ҳаммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Сентябр | | | | | Октябр | | | | Ноябр | | | | | Декабр | | | | Январь | | | | | Февраль | | | | Март | | | | | Апрел | | | | Май | | | | Июн | | | | Июл | | | | Август | | | | | Назарий таълим ва илмий фаолият | Илмий амалиёт (стажировка) | Аттестациялар | | |
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | 32 | 33 | 34 | 35 | 36 | 37 | 38 | 39 | 40 | 41 | 42 | 43 | 44 | 45 | 46 | 47 | 48 | 49 | 50 | 51 | 52 | | | | | | |
| I | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | А | А | | | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 38 | 34 | | 4 | 14 | 52 |
| II | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | А | А | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | А | Д | Д | Д | Т | Т | | | | | | | | | 40 | 17 | 17 | 6 | 4 | 44 |
| Жами | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 78 | 51 | 17 | 10 | 18 | 96 |

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Назарий таълим ва илмий фаолият | Д | Давлат аттестацияси | И | Илмий амалиёт (стажировка) | А | Аттестация | Т | Таътиллар |

**Назарий таълим ва илмий фаолият ҳафталари ўзгарди. Ўқув жараёнида аттестацияларда щзгариш бўлди, таътиллар ўзгаришсиз қолдирилди. Ўқув даврининг умумий ҳажми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларга «Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида" 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон қарорида белгиланган ҳолатдан фарқли тарзда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "2019 — 2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4358- сон Қарори белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, магистратура мутахассислиги ўқув режасини мустақил ишлаб чиқилди.**

# II. ЎҚУВ РЕЖАСИ

| № | Ўқув фанлари (курслар) ва илмий фаолият турларининг номи | 2018 йилдаги ўқув режа бўйича | | | 2019 йил ўқув режаси бўйича | | | Аудитория юкламаси фарқи +/- | Изох* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Юклама ҳажми, соат ва % да | | | Юклама ҳажми, соат ва % да | | | | |
| | | Умумий | % | Аудитория | Умумий | % | Аудитория | | |
| [illegible] | Умумметодологик фанлар | 260 | 16 | 144 | | | | | Янги ўқув режани шакллантириш асосида 1-блок олиб ташланди |
| [illegible] | Илмий-тадқиқот методологияси | 65 | | 36 | 62 | | 34 | -2 | Мутахассислик фанлар блокига кўчирилди |
| 1.02 | [illegible] фанларни ўқитиш методикаси | 65 | | 36 | | | | | Янги ўқув режани шакллантириш асосида 1-блокдаги ушбу фанлар ўқув режадан чиқариб юборилди |
| [illegible] | [illegible] тил | 130 | | 72 | | | | | |
| [illegible] | Мутахассислик фанлари | 870 | 54 | 504 | 428 | 49.5 | 238 | -66 | Янги ўқув режани ишлаб чиқишга кўра 1-блокка |
| 2.01 | [illegible] | [illegible] | | 108 | 122 | | 68 | -40 | |
| 2.02 | [illegible] | [illegible] | | 108 | 122 | | 68 | -40 | |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| [illegible] | Замонавий психологияда миқдор ва сифат тадқиқот методлар | | | | 122 | | 68 | +68 | Янги ўқув режа қўйилган талаблар асосида киритилди |
| 2.03 | Татбиқий спорт психологияси | 186 | | 108 | | | | | Замонавий психологияда миқдор ва сифат тадкиқот методлари фани киритилиб, Татбиқий спорт психологияси танлов фанлар блокига кўчирилди |
| 2.04 | Психологик хизмат | 186 | | 108 | | | | | Янги ўқув режа талабларига мувофиқ фан танлов фанлар блокига кўчирилди |
| 2.05 | Тестология | 126 | | 72 | | | | | Янги ўқув режа талабларига мувофиқ фан танлов фанлар блокига кўчирилди |
| 3.00 | **Танлов фанлари** | **490** | **30** | **252** | **436** | **50,5** | **238** | -14 | |
| | **Жами** | **1620** | **100** | **900** | **864** | **100** | **476** | **-388** | |
| 4.00 | **Илмий фаолият** | **2430** | **100** | **1350** | **2808** | **76,5** | **1564** | | |
| 4.01 | Илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик иш. магистрлик диссертациясини тайёрлаш | 1026 | | 576 | 1160 | | 646 | +70 | Илмий педагогик иш алоҳида пункт сифатида ажратилди |
| 4.02 | Илмий семинар | 270 | | 144 | 366 | | 204 | +60 | |
| 4.03 | Илмий педагогик иш | | | | 366 | | 204 | +204 | |
| 4.04 | Илмий амалиёт (стажировка) | 1134 | | 630 | 916 | | 510 | -120 | |
| | **Ҳаммаси** | **4050** | **100** | **2250** | **3672** | **100** | **2040** | -210 | |

**Ўқув режа блокларидаги умумий юклама ва назарий таълим ҳажмлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019 — 2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358- сон Қарори белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, магистратура мутахассислиги ўқув режасини асосида ишлаб чиқилди. Янги ишлаб чиқилган ўқув режада «Умумметодологик фанлар» блоки олиб ташланди. 1-блок сифатида Мутахассислик фанлари” блоки ва 2-блокда “Танлов фанлар” киритилди. Натижада “Умумий методологик фанлар” блокидаги “Илмий тадқиқот методологияси ” Мутахассислик фанлар блокига кўчирилди. Ўқув режага “Замонавий психологияда миқдор ва сифат тадқиқот методлари” фани киритилди, Мутахассислик фанлар блокидаги “Татбиқий спорт психологияси”, “Психологик хизмат” ва “Тестология” фанлари “Танлов фанлар” блокига кўчирилди.**

**“Илмий фаолият” блокидаги Илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик иш, магистрлик диссертациясини тайёрлаш бандидан Илмий педагогик иш алоҳида банди сифатида киритилди.**

**Ўқув ишлари бўйича биринчи проректор Д.Джумабаев**

MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI * O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI

## “5A210201-Психология (фаолият турлари бўйича )” мутахассислиги

## Магистратурада таълим жараёнинг умумий кўрсаткичлари

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси (магистратура) | Манхайм университети (Германия) (магистратура) | Россия (магистратура) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Бошланиши | 4 йил бакалавриатдан сўнг | 3 йил бакалавриатдан сўнгра (BA/BSc or equivalent) | 4 йил бакалавриатдан сўнг |
| 2. | Давомийлиги | 2 йил | 1 йил | 2 йил |
| 3. | Таълим олувчилар сони | 1-12 | 10 нафаргача | 35 нафаргача |
| 4. | Ўтиш жойлари | Университетда, ўрта махсус, касб – ҳунар таълими муассасалари, реабилитация ва ташхис марказларида | Университетда, магистратура ўқув дастурига мувофиқ ташкилотларнинг соҳавий йўналишига кўра | Университетда, магистратура ўқув дастурига мувофик ташкилотларнинг соҳавий йўналишига кўра |
| 5. | Таълим берувчилар | Психология фанлари номзоди ва докторлари, профессор ва доцентлар | Университетнинг илмий даражали профессор-ўқитувчилари | Психология фанлари номзоди ва докторлари, профессор ва доцентлар |
| 6. | Таълим жараёнини кузатиш ва назорат қилиш | Қуйидаги тартибда амалга оширилади: Магистратура бўлими-мутахассислик кафедраси мудири-магистратура бўйича декан муовини, бевосита таълим берувчи ўқитувчи-магистрант. | Ушбу магистартура бўйича таълим дастури директори, университетнинг психология бўлими ёки факультети | Магистратура таълим дастури раҳбари, магистрлик диссертацияси раҳбари, бўлим раҳбарияти |

## Магистратурада таълим жараёнининг мазмуни ва давомийлиги

| Ўзбекистон Республикаси | Муддати | Манхайм университети (Германия) Психология | Муддати | Россия (магистратура) | Муддати |
|---|---|---|---|---|---|
| **Мутахассислик фанлар**<br>1. Илмий тадқиқот методологияси<br>2. Замонавий психология муаммолари<br>3. Когнитив психологияси<br>4. Татбиқий спорт психологияси<br>*Танлов фанлар*<br>5. Тестология<br>6. Психологик хизмат<br>7. Экстремал вазиятлар психологияси<br>1. Саломатлик психологияси | 17 ҳафта | 1. Когнитив психология Когнитив психологиянинг долзарб масалалари<br>2. Тест назарияси ва тест тузишнинг замонавий масалалари<br>3. Билиш ва психопатология, Билиш ва психотерапия.<br>4. Клиник психология ва психотерапия<br>5. Клиник психология ва психотерапиянинг танланган масалалари | 8-10 ҳафта | 1. Замонавий психология ва фаолият назарияси<br>2. Когнитив фан<br>3. Психологик тадқиқотларнинг инновацион технологиялари<br>4. Психологияда индивидуаллик ва ўзига хослик муаммолари<br>5. Шахснинг психологик назариялари: тарихи, методологияси ва маъноси<br>6. Иродавий ҳаракатлар психологияси<br>7. Мотивация ва ўз-ўзини регуляция қилишнинг замонавий психологияси<br>8. Санъат психологияси | 16 ҳафта |

**Изох:** Психология мутахассислиги ҳозирги кунда жуда долзарб бўлиб, нафақат Ўзбекистон Республикаси балки бошқа Европа, Америка , Осиё, МДҲ давлатлари таълим тизимида хам доимий изланишни, таҳлил қилиш ва мукаммаллаштиришни талаб қилмоқда. Юқоридаги маълумотларга асосан шуни айтиш мумкинки, давлатимизда яратилаётган Психология (фаолият турлари бўйича) мутахассислиги давлат таълим стандарти жаҳон андозаларига мос равишда бўлиб, бошка давлатларнинг таълим дастурларига ўхшаш томонлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

# Магистратурада таълим жараёнинг таркиби

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси | Германия | Россия |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Назарий таълим | Асосий кисми маъруза ва семинар машғулотлари кўринишида асосий таълим муассасида ўтказилади | Асоси қисми ўкув базасида маъруза кўринишда ўтказилади | Асосий қисми тиббиёт факультетида маъруза курслари кўринишида ўтказилади. |
| 2. | Амалий таълим | Асосий қисми маъруза ва семинар машғулотлари кўринишида асосий таълим муассасида ўтказилади | Психологик лаборатория ва психологик тренинг курслари ўтказилишига мўлжалланган ўкувхоналарида | Университетдаги амалий ўкув базасида амалга оширилади. |
| 3. | Илмий – тадкикот ишлари | Магистратурада таълим олувчилар танлаган мавзуси бўйича диссертация ишини ОТМнинг илмий-тадқиқот лабораторияларида, академик ва соҳа илмий-тадкиқот институтларида, корхона ва ташкилотларнинг тадкикот бўлинмаларида ўтказилади. Кафедра мос мутахассислик бўйича фан доктори илмий даражаси ёки мутахассислар тайёрловчи кафедра бўйича ушбу таълим муассасасида фаолият кўрсатувчи илмий даража ва илмий унвонга эга бўлган ўқитувчи илмий раҳбарлигида бажарилади. Илмий изланиш давомида илмий мақолалар, тезислар ёзиш, республика ва халқаро илмий анжуманларда иштрок этиш ва маъруза қилиш билан шуғулланадилар. Бундан ташқари магистрантлар таълим жараёнида педагогик иш билан машғул бўладилар. | Магистранатлар ўкиш жараёнида илмий иш мавзуси кейинги босқичда докторлик илмий ишига қилиб олади. Ушбу соҳа бўйича магистрлик диссертацияси дастурда кўрсатилган тартибда амалга оширилади. | Магистрантлар илмий тадкикот иши индивидуал режа асосида амалга оширилади. Илмий унвон ва даражали профессор-ўқитувчилар илмий раҳбарлик қилади. Илмий иш давомида магистр рефератлар тақдим қилиши, конференцияларда иштирок қилиши ва илмий иш мавзуси бўйича журналга мақола ёзиши мумкин. |
| 4 | Мустақил таълим | Магистрантлар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича асосий база ва бошқа билимларини оширишлари мумкин. | Магистрантлар ўкув дастурида кўрсатилган талаблар асосида мутахассислик билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришда шарт-шароитлардан унумли фойдаланишлари мумкин. | Магистрантлар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича асосий университетнинг ўкув база ва бошқа билимларини оширишлари мумкин. |
| 5 | Таълим жараёнида баҳолаш | Магистрантларнинг назарий ва амалий кўникмалар, илмий-тадқиқот ишлари бўйича билимларини баҳолаш магистратура рейтинг тизими асосида жорий, оралик , якуний баҳо кўринишида ва ҳар ярим йиллик кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтиҳон саволлари оғзаки, тест кўринишида ва ёзма иш кўринишида талаб қилинади. | Резидентларнинг назарий билимлари тест саволлари орқали баҳоланади. Амалий кўникмалари ҳар ойда ва ярим йиллликда цикл давомида кузатиш ҳамда мустақил намойиш этиш орқали баҳоланади. Якуний давлат имтиҳон ёзма тест кўринишида амалга оширилади. | Магистрантларнинг жорий билими, компетенцияси ва ўзлаштириши оралик тест саволлари орқали, билимларни даврий оғзаки кўринишда, ёзма, тест кўринишида амалга оширилади. Ўкув дастури сўнгида магистрлар мутахассислик бўйича барча назарий ва амалий билимларни ўз ичига олган оғзаки ва ёзма имтиҳон топширишлари мумкин. |

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори**
**_________________ А.Марахимов**
**2019 йил «__»________**
**м.ў.**

**ЎҚУВ РЕЖА**
**Мутахассислик:**
***5А210201 – Психология***
***(фаолият турлари бўйича)***

**“КЕЛИШИЛГАН”**
**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири**
**___________________И.Маджидов**
**2019 йил «__»________**
**м.ў.**

**Академик даража - МАГИСТР** **Ўқиш муддати - 2 йил** **Таълим шакли - кундузги**

## I. ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЖАДВАЛИ

| Курс | Ҳафталар | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | Жами | Ўқув жараёни (ҳафталарда): Назарий таълим ва илмий фаолият | Илмий амалиёт (стажировка) | Аттестациялар | Таътиллар | Ҳаммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Сентябр | | | | | Октябр | | | | Ноябр | | | | | Декабр | | | | Январь | | | | | Февраль | | | | Март | | | | | Апрел | | | | Май | | | | Июн | | | | Июл | | | | Август | | | | | | | | | |
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | 32 | 33 | 34 | 35 | 36 | 37 | 38 | 39 | 40 | 41 | 42 | 43 | 44 | 45 | 46 | 47 | 48 | 49 | 50 | 51 | 52 | | | | | | |
| I | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | А | А | | | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 38 | 34 | | 4 | 14 | 52 |
| II | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | А | А | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | И | А | Д | Д | Д | Т | Т | | | | | | | | | 40 | 17 | 17 | 6 | 4 | 44 |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | Жами | 78 | 51 | 17 | 10 | 18 | 96 |

| | Назарий таълим ва илмий фаолият | Д | Давлат аттестацияси | И | Илмий амалиёт (стажировка) | А | Аттестация | Т | Таътиллар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

## II. ЎҚУВ РЕЖАСИ

| Т/р | Ўқув фанлари ва илмий фаолият турларининг номлари | Талабанинг ўқув юкламаси (соатларда): Умумий юкламанинг ҳажми | | Аудитория машғулотлари (соатларда) | | | | | | Мустақил таълим | Соатларнинг семестрлар ва ҳафталар бўйича тақсимоти: 1 курс | | 2 курс | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Соат | % | Жами | Маъруза | Амалий | Лабора-тория | Семинар | Курс иши | | 1 | 2 | 3 | 4 |
| | | | | | | | | | | | Семестрдаги ҳафталар сони: 17 | 17 | 17 | 17 |
| 1.00 | **Мутахассислик фанлари** | **428** | **49.5** | **238** | **118** | **18** | | **102** | **2 ки** | **190** | **10** | **4** | **0** | **0** |
| 1.01 | Илмий тадқиқот методологияси | 62 | | 34 | 16 | 18 | | | | 28 | 2 | | | |
| 1.02 | Замонавий психология муаммолари | 122 | | 68 | 34 | | | 34 | | 54 | 4 | | | |
| 1.03 | Замонавий психологияда миқдор ва сифат тадқиқот методлари | 122 | | 68 | 34 | | | 34 | | 54 | | 4 | | |
| 1.04 | Когнитив психология | 122 | | 68 | 34 | | | 34 | | 54 | 4 | | | |
| 2.00 | **Танлов фанлари** | **436** | **50,5** | **238** | **118** | **34** | | **86** | | **198** | **2** | **8** | **4** | |
| | **Жами** | **864** | **100** | **476** | **236** | **52** | | **188** | | **388** | **12** | **12** | **4** | |
| 3.00 | **Илмий фаолият** | **2808** | **76,5** | **1564** | | | | | | **1244** | **18** | **18** | **26** | **30** |
| 3.01 | Илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш | 1160 | | 646 | | | | | | 514 | 10 | 10 | 18 | |
| 3.02 | Илмий семинар | 366 | | 204 | | | | | | 162 | 4 | 4 | 4 | |
| 3.03 | Илмий-педагогик иш | 366 | | 204 | | | | | | 162 | 4 | 4 | 4 | |
| 3.04 | Илмий амалиёт (стажировка) | 916 | | 510 | | | | | | 406 | | | | 30 |
| | **ЖАМИ:** | **3672** | **100** | **2040** | | | | | | **1632** | **30** | **30** | **30** | **30** |
| 4.00 | **Аттестациялар** | **540** | | **300** | | | | | | **240** | | | | |

**Давлат аттестацияси:**
Магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш

Изоҳ:

1. Олий таълим муассасаси мутахассислик фанларини ишлаб чиқишда кадрлар буюртмачиларининг талабларини инобатга олади.
2. Ўқув режа асосида олий таълим муассасаси ҳар йили ишчи ўқув режасини тузади. Бунда олий таълим муассасасига талабалар юкламасининг ҳафталик [illegible] блоклар таркибидаги фанлар ҳажмини 10 фоизгача ўзгартириш ҳуқуқи берилади.
3. *Танлов фанлари таркиби ва мазмуни соҳа бўйича республика ҳамда хориждаги етакчи мутахассис-олимларнинг муаллифлик курслари ва муаммоли [illegible] асосида, фан, иқтисодиёт, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талаблари асосида шакллантирилади.
4. Ўқув режага киритиладиган мутахассисликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси, ЎзР ФА ва тармоқ ИТИлари [illegible] базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.
5. Назарий ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун магистрантларнинг илмий амалиёт (стажировка)лари ЎзР ФА ва тармоқ ИТИлари, базавий ташкилот ва [illegible]

[illegible] дастурлар ва ўқув адабиётларининг [illegible] назорат қилиш Бош [illegible] — С.Ниязбеков

[illegible] тарбия бошқармаси [illegible] — О.Базаров

[illegible] директори — З.Хакимов

[illegible] — Д.Джумабаев

[illegible] — Л.Гайнутдинова

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашида маъқулланган.

201_йил «__» _______даги_____-сонли баённома